

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ЕТАКЧИЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ф.Р.Раджабова (СамДУ магистранти)

Мақолада Алишер Навоий меросларидан сабоқ олган, унинг инсонпарварлик зоялари асосида шаклланган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар асосида тарбияланган талаба ёшларларни етакчилик фазилатларини шакллантириши ҳақида мулоҳаза юритилган

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳақида тўхталиб, “Агар у улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير”, - деб таърифлаган эди. Бунинг боиси бор албатта, чунки Навоий бобомиз ўзининг бутун ҳаётини ва фаолиятини элулус, халқ фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталиги, ўзаро низоларнинг олдини олиш, қурилиш, ободонлаштириш ишларини амалга оширишга, илмфан, маданият тараққиётига бағишлаган эди.

Маълумки, Алишер Навоий подшоҳ саройида дастлаб муҳрдор, вазир, сўнгра бош вазир лавозимларида фаолият кўрсатган. Алишер Навоий Ҳусайин Бойқаро давлатини мустаҳкамлаш учун кўп куч ва ғайрат сарфлаган. Навоийнинг буюк фазилатларидан бири шундаки, у давлатни бошқариш қобилиятига эга бўлган. Шу боис хўжалик ишларини тартибга солишда, ривожлантиришда, савдо-сотиқ, ободонлаштириш ишларини йўлга қўйишда адолат билан халқ оммасига муносабатда бўлган.

“Илигимдан келганча, - дев ёзади “Вақфия” асарида Навоий, - зулум тигин ушатиб, мазлум жароҳатига интоқом малҳам қўйдим. Ва илигимдан келмаганини ул ҳазрат (султон Ҳусайин Бойқаро) арзига еткурдим”.

Навоийнинг энг буюк хизматларидан бири шундаки, у давлатнинг бирлигини, яхлитлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Тарихий манбааларда таъкидланишича Ҳиротнинг ўзида савдо расталари, дўконлар, боғу роғлар бунёд этади. Навоий ва унинг сафдошларининг ҳаракати билан 300 дан ортиқ жамоат бинолари, яъни масжид ва мадрасалар, мақбаралар, ҳаммом ва шифохоналар, жамоат бинолари қурилган. Навоий Марвда Султон Санжар мақбарасини таъмирлашга бош бўлгани ва шу ерда “Ҳусравия” мадрасасини қурганлиги манбаларда ўз аксини топган. Машҳад аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун алоҳида ариқ қаздириб сув келтиргани ва ўз ҳисобидан Туруқбанд сув омборини қурдирганлиги маълум. Натижада янги ерлар ўзлаштирилган, боғу роғлар барпо этилган бир сўз билан айтганда шу жойда яшаётган аҳолининг турмуш даражаси яхшиланган.

Характерли жиҳати шундаки, Алишер Навоий амал-мансаб, шон-шавкат учун эмас, балки халқнинг ғам-ташвишлари, ўй-фикрлари ва орзу-умидалари билан яшаган. Бир сўз билан айтганда мутафаккирни эл-юрт манфаатлари қизиқтирган. Навоийнинг фикрича инсоннинг ҳаёти унинг узун

ёки қисқа умр кўриши билан эмас, балки унинг мазмуни билан белгиланади. Ҳар бир инсон жамият учун, одамлар учун фойдали иш қилиши, касблар эгаллаши, муҳими инсоний фазилатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Мутафаккирнинг асарларида жамиятдаги барча ижтимоий қатламларнинг феъл-атворидаги ижобий ва салбий хусусиятларини аниқлашга, ижобий жиҳатларини кишиларга ибрат қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади, салбий томонларини эса танқид қилади, камчилик ва нуқсонларини бартараф этишга даъват этади. Навоийнинг ижтимоий ахлоқий қарашларида одамийлик биринчи ўринда туради. У жамият тарихини, дин ва тасаввуф тарихини ўрганишга алоҳида эътибор берган. Оддий одамдан тортиб подшоҳгача ҳаммани тарихни яхши билиши зарур деб ҳисоблаган.

Навоий асарларида одамларни тўғри ва ҳалол бўлишга, пок, ростгўй, меҳнатсевар, саҳий, камтар, сабр-қаноатли одобли бўлишга чақирган.

Мутафаккирнинг ушбу инсонпарварлик ғояларидан узлуксиз таълим тизимида фойдаланиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири. Талаба-ёшларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда ушбу маърифий манбалардан етарлича фойдаланишимиз лозим. Бугунги талаба эртанги мутахассис. Ана шу ёшларда етакчилик фазилатларини тарбиялаш долзарб вазифалардан бири. Етакчи – инглиз тилидаги “lider” сўзига яқин бўлиб, йўлбошчи, биринчи, олдинда боровчи, сардор деган маъноларни билдиради. Бугунги етакчилар аста-секин шаклланиб келажақда раҳбарлик лавозимларини бошқаради. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 19-декабрда бўлиб ўтган, Халқ депутатлари Сурхандарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида “Президент сифатида менинг зиммамда бўлган вазифалар ҳақида кўп ўйлайман. Лекин улар орасида энг оғири, энг мураккаби нима деб сўраса, одамларни лавозимга тавсия қилиш, - деб жавоб берган бўлардим,” – деган эди.

Демак, талабаларда етакчилик фазилатларини шакллантиришда энг аввало, уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш лозим деб ўйлайман. Бундай ахлоқий сифатларни эса ҳазрат Навоийнинг шахсияти ва асарлари орқали амалга ошириш мумкин.

Аниқроғи, ҳазрат Навоийдан сабоқ олган, унинг инсонпарварлик ғоялари асосида шаклланган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар асосида тарбияланган етакчи келгусида миллат ва жамият манфаатларига келажаги буюк бўлган Ўзбекистондек улуғ мамлакатга ҳалол ва виждонан хизмат қилаолади дейишга асос бўла олади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008 й. 176 б.
2. Каримов И.А. Баркамов авлод ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: “Шарқ”, 1997 й. 63 б.
3. Султонмурод Олим. Навоий – ёшларга. Т.: 2008 й. 100 б.
4. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. Т.: “Ўқитувчи” 1993 й. 216 б.

Ф.Р.Раджабова. Алишер Навоий мероси асосида талабаларда етакчилик фазилатларини шакллантириш. // «Алишер Навоий маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. Навоий, 2015. 56-57 бетлар.